

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

МУЪЖИЗАСИ БЕҲИСОБ САРЧАШМАЛАР

"Туркистон" саройида вилоят академик ва халқ ижодий жамоалари дирекциясининг ҳисобот концерти дастури намойиш этилди. У вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташаббуси билан ўтказилди. Дирекция қошидаги "Шош наволари", "Ҳосил", "Наврўзи Ажам" ансамбллари, маданият марказларида фаолият юритувчи хонанда, созанда, раққосалар ўз санъатларини кўрсатишди. Мақсад, ўзбек ва жаҳон эстрада кўшиқлари, рақслари ҳамда мусиқаларини ёшларга тўғри талқин этиши.

Концертда вилоятимизда яшаб, ижод қилаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловини голиблари ҳамда "Нихол" мукофоти совриндорлари ҳам иштирок этишди.

Муваффақиятли ўтган ушбу дастурдан томошбинлар баҳра олдилар, деди дирекция раҳбари Азамат Аҳмедов. – Зеро, санъатсевар халқимиз орасида бундай истеъодлар беҳисоб.

Хурида НАЗАРОВА.



Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ПИСКЕНТДАГИ «АНТИКА ИХТИРО»

Газетанинг шу йил 4 июндаги 45-сонидagi юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган танқидий мақолада Пискент туманининг айрим аҳоли истиқомат жойларида ичимлик суви жузурлари тешилиб, тоза суви беҳуда исроф бўлаётгани ҳақида аниқ далиллар асосида фикр юритилган эди.

Тахририят газетанинг ушбу чиқishi юзасидан Пискент тумани ҳокими И. Эргашхўжаев имзоси билан жавоб хати олди. Унда, жумладан шундай дейилади. "Пискентдаги "антика ихтиро" сарлавҳали танқидий мақола туман фаоллари ва ушбу масалага алоқадор масъул ходимлар иштирокида муҳокама қилинди. Ҳақиқатан ҳам тумандаги айрим аҳоли яшаш пунктларида эскирган суви қувурлари тешилиб, жумраклар бузилиб, ичимлик суви таъминоти меъёрида бўлмаётган ҳолатлар борлиги аниқланди. Туман фаоллари тоза ичимлик сувини исроф қилмаслик тўғрисида аҳоли ўртасида кенг қўламада тушунтириш ишлари олиб бориш зарурлиги уқтирилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул ходимларига ичимлик сувининг беҳуда исроф қилинишига йўл қўйилаётган жойларни аниқлаш ва рўйхатини юритиш, туман Сув тармоғи қорхонасига ушбу носозликларни зудлик билан бартараф этиш вазифаси юклатилди. Барча аҳоли яшаш пунктларида, ташкилот ва муассасаларда, кўча ва хиёbonларда тоза ичимлик суви исроф бўлишининг олдини олиш юзасидан назорат ўрнатилди".

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Зангиота туман газетаси муҳаррирлигига тайинланганида Жўра Саъдуллаев ҳали йигирма олти ёшга тўлмаган, журналистика бўлимининг учинчи курсида сиртдан ўқирди. Кейинчалик у республика газеталарида самарали ишлади. Мустақиллик йилларида бир қатор очерк китоблари, "Асом Ғадан нима дейди?" фельетонлар тўплами ва "Овлоқдаги хондон" дедектив қиссаси нашр қилинди, матбуот тарихига доир "Давр кўзгуси" китоби чоп этилди. Қўйида муаллифнинг Зангиота туман газетаси ижодкорлари ҳақидаги хотирасини ўқийсиз.



Июнь – гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги

ТАТИВ КЎРИШДАН АВВАЛ, ОҚИБАТИНИ ЎЙЛА

Гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка мубтало бўлганлар яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ажал тушунчалари ўртасидаги фарқни ажратолмай қолади. Бундай одамлар содир этган хатти-ҳаракатлар улар умрининг "мазмунини" ажал сари элтувчи йўл эса ҳаётини "лаззат"га айлан-

моқда. Тошкент вилоятининг Қибрай туманида жойлашган Республика наркологиya марказида боши берк кўчага кириб қолган бундай шахсларга бегараз ёрдам кўрсатилиб, улар ҳаётга қайтарилмоқда, ўзини яна инсон сифатида ҳис этишига қўмақлашилмоқда.

Йўлдан қайтаришга қанчалик уринмасин, барчаси беҳуда кетарди. Оилавий тадбирларда иштирок этмай қўйди. Узок йиллардан сўнг фарзандли бўлган опасини ло-ақал табрикламади ҳам. Онасининг қон босими ошиб, шифохонага олиб келинганда ҳам иш билан бандлигини рўқча қилиб, уни кўргани бормади.

Ота-онасининг айтишича, ўшанда ҳам ўғлининг ўзини бундай тутишидан хавотирга тушишмаган ва бу ўзгаришларни унинг иши оғирлигига йўйишган. "Турмуш қурса, ақли кириб қолар" деб ўйлаб, тўй тарадудини бошлаб юборишди. Бу орада Санжар таниб бўлмас да-ражада ўзгарди. Ишга кеч борадиган, туни билан ҳовлида юриб чиқадиган ёки ўз

этувчи ва тарбияловчи куч бўлиб хизмат қилади.

Миллий мустақиллик шарофати билан бугун Тошкент вилоятида чоп этилаётган 60 дан зиёд вақтли нашрлардан бири – Зангиота тумани "Истиқбол" газетаси 1963-1965 йиллари ҳозирги – Зангиота, Қибрай ва Бўстонлик туманларини ҳам қамраб олганди. Газетага "Тошкент ҳақиқати"да бўлим мудири бўлган, бой ҳаётини ва ижодий тажрибага эга юқори малакали журнали айландир Зокриржон Исроилов муҳаррирлик қилди.

У газетада ишлашга Раҳимберди Умаров, Са-лоҳиддин Муҳиддинов сингари ёш журналист-

ларни жалб этди. 1963 йилнинг охиридан бошлаб мен ҳам шу таҳририят жамоасига қўшилдим. Урта Осие Давлат университетининг сиртки журналистика бўлимида энди ўқишни бошлаган эдим. Кейинроқ Шавкат Амиров билан Дийр Турсунов ҳам жамоамизда ижодий ишга киришишди.

Муҳарриримиз тахририятда чинакам ижодий мусобақа муҳитини яратган эди. Бизлар тахририятнинг "Урал" кажавали мотоциклида туманлар айландир, ҳафтада уч маротаба тўрт саҳифада чоп этилиб турган газетамиз учун хилма-хил материал тўпладик.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Эл-юртимиз учун асрлар давомида эзгулик, саховат, меҳр-шафқат, қаноат ва шукроналик рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга хос олижаноб фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2014 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 28 июнь кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Нуроний" жағмармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий аънава қадриятлар, урф-одатларимизга улуғун ва ҳамоҳанг тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз ақидаларини эъзозлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг муқаддас қадм-жоларини обод этиш борасида кенг қўламли савоб ва тарғибот ишлари ташкил қилинсин. Ушбу кутлуғ ойда амалга ошириладиган хайрия тадбирлари, эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича олиб бориладиган тадбирларни янада қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2014 йил 24 июнь.

Маънавият

ТЎКИНЛИК ҚАДРИГА ЕТМОҚ КЕРАК

Интернет сайтларидан бирида босилган сурат ва унинг шарҳи сифатида берилган мақола мени гоётада мутасассир этди ва унга муносабат билдиришга ўзимда мажбурият сездим.

Суратда 1994 йили Сундада рўй берган очарчиликнинг мудҳиш бир лавҳаси муҳрланган... Кимсиз дашт. Эти суягига ёпишган ҳимоясиз қизалоқ бир неча қақирим на-

ридаги овқат тарқатиш пунктига йўл олган. Силаси қуриган гўдак, бир оз куч тўплаш учунми, мук тушиб ўтирибди. Ортидан эргашиб келаётган ўлак-саҳур эса унинг ўлимни кутмоқда. Дахшатли манзара. Сурат ортидаги воқеалар эса янада аянчли. Яъни, уни тасвирга олган сураткаш Кевин Картер "Пулицер" мукофотига

(Давоми 2-бетда).

Каратэ

МАЛАЙЗИЯДАН ОЛТИТА ОЛТИН БИЛАН

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида каратэ бўйича ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган 15-Осиё очик чемпионатида китъамизнинг 15 дан ортик давлатидан 1000 нафарга яқин каратэ усталири қатнашди. Ушбу нуфузли мусобақада юртимиз терма жамоаси сафида Фозил Худойбердиев ва Баходир Аҳмедов мураббийлигида 6 спортчимиз ҳам иштирок эттишти.



Жуда мурасасиз жанглр бўлди, - дейди Олмалик шаҳар 4-умумтаълим мактаби ўқувчиси, Осиё кубоги ғолиби Равшан Турдубоев. - Финалгача 6 та жанг ўтказдим. Асосий рақибларим мезбонлар - малайзиялик спортчилар орасида Равшан Турдубоев, 13-14 ёшлиларда Хумора Йўлдошева, 12-13 ва 16-17 ёш тоифасида Хошкентлик Самариддин Хамраев ҳамда 18 ёшдан катталар ўртасида Азизжўжа Қосимов Осиё кубоги ғолиблари бўлишди.

Шаҳардаги "Ватан" маҳалласида "Гули-Лола" хусусий корхонаси "Соғлом бола" спорт мажмуасини куриб, ишга туширгани нафақат болалар, балки ота-оналар учун ҳам қувончли воқеа бўлди.

ОҲАНГАРОНДА ЯНА БИР СПОРТ МАЖМУАСИ

Янги мажмуанинг очишли маросимида сўзга чиққан ЎзЛиДеП туман кенгаши, Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари аъзолари ва бошқа ташкилотлар вакиллари бундай бунёдкорлик ишлари мамлакатимизда ёшлар тарбиясига қаратилган изчил сиёсат самараси эканини алоҳида таъкидладилар.

Бадий дастурдан сўнг майдонга минн футбол, волейбол, теннис жамоалар таклиф этилди. Мусобақаларда ЎзЛиДеП вилоят кенгаши, туман "Маҳалла" фонди, "Камолот", халқ таълими бўлими, касб-хунар коллежлари, "Гули-Лола" корхонаси жамоалари фаол қатнашди.

Воҳид БОЙМУРДОВ.



Болалар ёзи - 2014

Пском дарёсининг шундоқкина бўйида, 6-мактаб-интернатга қарашли "Сижжак" ёғи соғломлаштириш оромгоҳида болажонларнинг кўнгилли ҳордик чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

ТАЪТИЛ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТМОҚДА



Биринчи мавсумда 30 нафар болаларни қабул қилдик, - дейди оромгоҳ раҳбари Дилором Артикаева. - Уларнинг дам олишларини мазмунли ташкил этиш мақсадида аниқ режалар ишлаб чиқилган. Шунингдек, улар инглиз тилини ўрганишда, "Моҳир кўрлар" тўрагаида турли ўйинчоқлар ясаб, эртак қаҳрамонларнинг расмларини чизишда. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Мухтор Бектурганов бошчилигидаги спорт мусобақалари, шахмат-шашка бўйича беллашувлар болаларнинг жону дили.

Рассом наздида



У энди игнасиз турулмайди.

Мулоҳаза учун мавзу

ЛИБОС - ИФФАТДАН ДАРАК

Кийиниш ҳар бир халқнинг қадим замонлардан буюн яшаб келатган шарт-шароити, турмуш тарзи, урф-одатлари, табиати билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг маънавий баркамоллиги, миллий маданиятини белгиләйди.

Кийиниш ифодаси хисобланади. Одобли инсонни фақат қимматбахо либосларидан эмас, балки унинг кийиниш мадаларига зирақ тақиб олишлари маънавият-сиёликдан бошқа нарса эмас.

Чирчиқ ижтимоий-иқтисодий коллежида одоб-ахлоқ, ҳаё ва иффаат эканини таъкидлашди. Бу фазилатлар орқали элу халққа ёқадиган қиммат инсон бўлиб етиштишлари ҳақида гапирдилар.



Халқимизда: "Элга кирсанг эгингга қара", деган ҳикмат бор. Бизнинг аҳдодларимиз зукко, донишманд инсонлар бўлган. "Эл ичига кирдингизми, унинг бир парчаси бўлиб кўринг, унинг анъаналари, тарихи, феъл-атвори, шаънига муносиб бўлиб кийинишга, яшашга ҳаракат қилинг, унинг бозорова, Чирчиқ ижтимоий-иқтисодий коллежи ўқитувчиси.

Ҳаёт сабоқлари

Шифохонага дугонани йўқлаб бординидаги манзара сира кўз ўнгидан кетмайди. Хона туридаги стулда сочлари ёйилган, ранги афтодаҳол, кўзлари қизарган йигирма ёшлардаги келинчақ бошини чангаллағича ўтирар, дугонани унга тасалли берарди: - Ойгул, синглим, оғир бўлинг, ҳали ёшсиз, этак-этак бола кўрасиз. Фақат... аввал эрингиз тўлиқ даволансин, кейин ҳаммаси изга тушиб кетади. Йўқса, кейинги ҳомилангиз ҳам нобуд бўлиши мумкин. Сизга кўп сиқилиш, йиғлаш ва чарчаш асло мумкин эмас! Янги бўшанган аёлсиз. Узингизни эҳтиёт қилмасангиз, оғир асоратлар қолади.

Ютиб ўтиришгандир. Оғирроқ бўлинг. Ҳали ёшсиз, курашишга кучингиз ҳомиладор бўлдингиз. Учала болам ҳам нобуд бўлди. Бошқалар ўйнаб-раларда намойиш этишяпти. Мен-чи? Уларни ҳар кўрганимда, ютуқларини эшитганимда армондан тўлганман.

Дугонани йигидан қизариб-бўғриқиб кетган Ойгулни яна маҳкам бағрига босди: - Узингизни кўлга олинг. Ахир, энди йигирмага кирибсиз, нега мақсадсиз яшар экансиз? Эрингиз тубанлик боткоғига ботган бўлса, сиз ўзингиз учун курашинг. Мен беморларим учун жавобгарман. Ҳали кеч эмас, ҳаётингиз олдинда, бирор олий ўқув юртига ўқишга киришгиз, касб-хунар ўрганинг. Одамлар орасида бўлишга, жамиятнинг соғлом аъзосига айланишга интилинг. Келинг, гиёҳвандларга қарши бирга курашамиз! Ўзини ароқхўрлик ва нашоавандлик билан инкирозга олиб бораётганларга қарши биргаликда курашсиз, албатта енга-ми! Улар бошқаларнинг ҳаётини издан чиқариб, барбод қилишларига йўл қўймайлик!

Дугонанинг далдаси таъсир қилди, Ойгул ичкарига кириб, юз-кўзларини ювиб чиқди. Унга чой узатдик. Кўзаларидаги мунг ўрнида мўлтиллаган хомид учкунни кўрилгандек бўлди, назаримда... Нигора ШОҒАЙЗИЕВА.



ЧҲКАЁТГАН КЕМАДАГИЛАР ҚУТҚАРИБ ҚОЛИНДИ

Германиянинг бортида 194 киши бўлган саёҳат кемаиси Нидерландия ҳудудида ҳалокатга учради.

ТОЛИБОНЛАРНИНГ РАКЕТА ЗАРБАСИ

Талибонлар НАТОНинг Афғонистондаги муҳим аэропортларидан бирида жойлашган авиабазасига 8 та ракета билан зарба бердилар. Бироқ, Жалолобод аэропортига йўналтирилган ушбу ракета зарбаларидан қурбон бўлган йўк.

РИМ ПАПАСИ МАФИЯНИ ҚОРАЛАДИ

Рим папаси Франциск Италиянинг жанубий минтақаларига ташрифи чоғида ушбу мамлакат мафиясини қаттиқ танқид остига олди. Католикларнинг очик ҳаводаги ибодатлари жаҳонда дин арбоби Ндрангета мафиячи гуруҳ аъзоларига муружаат қилар экан, сизлар "ёвузликка сигинасизлар, шу боис ўзинларнинг черковдан четлатилган ҳисоблашингиз лозим" деди.

АЁЛ ПРЕЗИДЕНТ ҚАЙТА САЙЛАНИШИ МУМКИН

Бразилиядаги ҳукмрон Демократик ишчи партияси амалдаги президент Дилма Русефнинг номзодини қайта кўрсатиш ниятида эканлигини расман эълон қилди. Маълумки, мамлакатда шу йил октябр ойида давлат бошлиғи қайта сайланади. Дилма Русеф партия сўзсизда сўзга чиқиб, Демократик ишчи партия 2003 йили ҳокимият тепасига келгандан буюн ўтказётган ижтимоий сиёсатни янада кучайтириши ваъда қилди.

АШАДДИЙ ИШҚИБОЗЛАР ҲИБСГА ОЛИНДИ

Бразилия полицияси мамлакатда давом этаётган футбол бўйича Жаҳон чемпионатида гумон қилинган аргентиналик 19 ишқибозни ҳибсга олди. Ушбу воқеа Эрон ҳамда Аргентина терма жамоалари ўйини давом этаётган "Минейран" ўйингоҳи трибуналарида юз берди. Афтидан ўйингоҳда кўлга олинган ишқибозлар Аргентина полицияси бразилиялик ҳамкасбларига тақдим этган "қора рўйхат" да келтирилган. Яъни, улар "Баррабраво" деб номланган ашаддий ишқибозлар гуруҳига мансуб кишилар. Ушбу рўйхатга киритилганларнинг Бразилияга футбол чемпионатида боришлари тақиқлаб қўйилган эди.

ЕР КҮЧКИСИ ПОЕЗДНИ ИЗДАН ЧИҚАРДИ

Япониядаги Кагосима музофотида йўловчи поезднинг бир қисм вагонлари издан чиқиб кетди. Бунга ер кўчкиси сабаб бўлди. Содир бўлган ҳодиса оқибатида камиди 11 киши жабрланди. Ушбу минтақада бир неча кундан буюн кучли ёмғир ёғмоқда. Ортиқча сув темир йўлларни ювиб кетмоқда. Хусусан, авария чоғида поездда 48 киши бор эди. Айримлар олган жароҳат у қадар кучли эмас.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Жиноятга жазо муқаррар

АЖАЛ ДОМИГА ИЛИНГАНЛАР

Аср вобоси - гиёҳвандликдан дунёда миллионлаб ёшларнинг гулдек умри ҳазон бўляпти. Яна қанчадан-қанча инсонлар бевалик ва ногиронликдан азият чекаяпти. Шу боис, маъзур глобал муаммага нафақат маълум бир минтақа, балки бутун жаҳон қарши курашмоқда. Шунга қарамай, инсон соғлиги, руҳияти ва ўзлигига пугур етказадиган, ўта оғир касалликлар ва жиноятлар содир этилишига сабаб бўладиган, охир-оқибат ажал домига улқотирадиган бу балога грифтор бўлганларнинг сони 80 миллиондан ошгани аянчли ҳол албатта.

Мамлакатимизда аҳолини, айниқса, ёшларни бу захри қотил исканжасидан ҳимоя қилиш, давлатимиз ҳудудида наркотик моддалар ноқонуний айланшининг олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширишга қарши кураш ойлуги ҳам ижобий натижалар берди. Бироқ, шунча уринишларга қарамай, чўнтагини қаппайтириш учун ҳар қандай жиркан ишдан тап тортмайдиғанлар ҳам орамизда учраб турибди.

Мизга олиб кириб, Бекобод шаҳрининг автошоҳбекатида 7 миң АҚШ долларига пуллади. Фақат осон даромад топишни ўйлайдиган бу кимсага ҳаром пуллар мейдек ёқиб қолди шекилли, тўрвасини қўлтигига кистрибди, яна қўшни республикага йўл олди. Бу сафар ҳам оғу топиш қийин бўлмади. Фақат "бююртма"га биноан 141,1 грамм героин харид қилди. Ва яна ўша гадоий топмас айланма йўллар орқали ортига қайтиб, бекатга борди. 1600 АҚШ долларини олиб, мижозга героинни топширди.

Table with 4 columns: TOHKENT HAQIQATI, Toshkent Press, Muassis: Toshkent viloyati hokimligi, Manzilimiz: 100000, Toshkent shahri, Ma'buotichilar kuchi, 32, e-mail: th.tp@mail.ru, Telefonlar: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (faks), 233-12-83, 233-48-08, 233-56-03, 233-65-59, 233-54-10, Toshkent viloyati Matbuot va axborot boshqarmasida 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Ташкент ҳақиқати» тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА, Навбатчи Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ